# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 17 апрель, № 78-79 (7858-7859) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БАРЧА РЕЖА ВА ҲАРАКАТЛАРИМИЗДАН МАҚСАД — ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятида бўлди.**



Ташрифнинг биринчи куни давлатимиз раҳбари вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, жорий йил ва келгуси йилларга мўлжалланган лойиҳалар билан танишди. Шунингдек, муқаддас қадамжолар зиёрати, тадбиркорлар, нуронийлар ва ёшлар билан учрашувлар ҳам дастлабки куннинг муҳим воқеалари бўлди.

16 апрель куни Шавкат Мирзиёев иштирокида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, уларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари, вилоят, туман, шаҳар секторлар раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тадбиркорлар, нуронийлар ва ёшлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани сингари Самарқанд вилоятида ҳам катта ўзгаришлар бўлаётгани, одамларнинг дунёқараши ўсиб, фаоллиги ошаётганини таъкидлади.

**— Бугунги давр, шиддаткор замон жонажон Ватанимиз тараққиёти, бунёдкор ва танти халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда. Ва бу ҳар биримиздан, айниқса, ижро ҳокимияти органлари раҳбарларидан юксак масъулият, фидойилик талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, бугун Самарқанд вилоятида ҳам кўп ўзгаришлар, янгиланишлар бўлаётганини кўраяпмиз. Кўплаб янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда. Лекин энг асосийси, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгариши керак. Қачонки халқимизнинг дунёқараши ўзгариб, бугунги ислоҳотларга ишончи ва хайрихоҳлиги ошса, давлатдан, раҳбарлардан рози бўлса, фаолиятимизга берилган баҳо, олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз натижаси шу бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.**

Президентимиз ҳар доим Самарқандни соғиниши, бу вилоятда орттирган тажрибаси иш фаолиятида қўл келишини таъкидлади. Лекин ўша пайтларда ижро ҳокимиятининг имконияти ҳозиргидек бўлмаганини қайд этиб, мавжуд имконият ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратди.

**— Ҳозир замон ўзгарди, одамлар энди кечагидай яшашга мажбур эмас. Энг катта масала — жойлардаги ижро ҳокимияти раҳбарлари бугунги ҳаёт, ҳаракат, шиддатга мос ишлаши керак. 2020 йил оғир йил бўлди, манаман деган давлатлар иқтисодиёти бу синовларни кўтаролмади. Бу йил кечагига нисбатан интилишимиз ўзгариб, эртанги кун манфаати нуқтаи назаридан ҳаракат туйғуси пайдо бўлса, олдимизга қўйган режаларимизни бажара оламиз. Агар бизга кимдир қилиб беради, деган тушунча бўлса, бундай хоҳиш билан ҳеч қачон натижага эришолмаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланадиган жорий йилда Самарқанд вилоятида юқори натижаларга эришиш учун ҳозирдан маррани баланд олиб, аниқ белгилаш лозимлигини таъкидлади. Шу жиҳатдан вилоятни комплекс ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича энг муҳим йўналиш ва вазифалар, саноат, транспорт логистикаси, туризм ва бошқа соҳалардаги "ўсиш нуқталари" белгилаб олинди.

Жумладан, ҳар бир маҳалладаги муаммо ва имкониятларни танқидий ўрганиш, аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилишга жалб этиш орқали камбағалликни қисқартириш, 2021-2022 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, уй-жой қурилиши, ободонлаштириш, коммунал ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан вазифалар белгиланди.

2021-2022 йилларда Самарқанд вилоятида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қиймати 30 триллион 415 миллиард сўмлик 1 минг 279 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилгани таъкидланди. Хусусан, 12 триллион сўмлик 1 минг 184 та ҳудудий, 18 триллион сўмдан зиёд 95 та тармоқ лойиҳалари амалга оширилади. 1,8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилади ва 26 мингта доимий иш ўрни ташкил этилади.

Хусусан, энергетика соҳасида 974 миллион долларлик 8 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, йилига 6 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, натижада 1,8 миллиард куб метр табиий газ тежалади. Шунингдек, Франциянинг "Тотал Эрэн" компаниясининг 100 миллион доллар сармояси ҳисобига шу йил декабрда Нуробод туманида қуввати 100 мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилади.

Президент Ургут туманини тўлиқ эркин иқтисодий зонага айлантириш, вилоятнинг барча ҳудудида ушбу иқтисодий зонанинг филиалларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берди. Шунингдек, "Ургут" эркин иқтисодий зонаси негизида холдинг компания тузилади.

Қўшработ, Иштихон ва Ургут туманларида 8 минг гектарда интенсив боғ ва узумзорлар барпо этиб, 4 мингдан зиёд кишиларни иш билан таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Чорвачиликда яна 4 минг, пиллачилик ва ипак маҳсулотлари тайёрлашда 12 минг иш ўрни яратиш мумкинлиги қайд этилди.

Ҳар бир маҳалладаги муаммо ва имкониятларни танқидий ўрганиш, аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилишга жалб этиш орқали камбағалликни қисқартириш асосий вазифа бўлиши таъкидланди.

Жорий йилда 915 та қишлоқ ва маҳаллада қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилиши, 658 километр ичимлик суви тармоқлари таъмирланиб, 210 та қишлоқ ва маҳалладаги сув таъминоти яхшиланиши айтиб ўтилди. Ипотека дастури доирасида 3 минг 450 квартирали кўп қаватли уйлар қурилиб, 2 минг 200 та оилага субсидия берилади.

Туризмни ривожлантириш вилоят иқтисодиётининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиши таъкидланди.

**— Ички ва зиёрат туризмини босқичма-босқич қайта тиклаш бўйича ишларимиз, жумладан, ички сайёҳлар учун транспорт ва меҳмонхона харажатларини субсидиялаш тизими жорий этилгани, ҳозирдан ўз натижасини бермоқда. Буни биргина Регистон мажмуасига март ойида 150 минг нафар февраль ойига нисбатан 5 баробар кўп сайёҳ келгани ҳам яққол кўрсатиб турибди, — деди давлатимиз раҳбари.**

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш доирасида барча талабларга эга Самарқанд туризм маркази барпо этилмоқда. Унда халқаро конгресс маркази, "Абадий шаҳар" карвонсарой мажмуаси, 8 та меҳмонхона, тематик хиёбонлар, дам олиш ва кўнгилочар объектлар, ҳунармандчилик маркази, сунъий сув ҳавзалари қурилади. Буюк олим ва ҳадисшунос бобомиз Имом Бухорий мажмуасини, бу улуғ зотнинг бутун ислом оламидаги юксак обрў ва мақомига муносиб тарзда, қайтадан қуриш ишлари бошланди.

Бу ерда 10 минг ўринли масжид, 21 гектар майдонда улуғ аждодларимизнинг диний мероси ва моддий маданий мерос объектларини акс эттирувчи тематик хиёбон, 3 та меҳмонхона ва 24 та оилавий меҳмон уйидан иборат зиёрат туризми мажмуаси барпо этилади.

Ургут, Нуробод ва Жомбой туманларида ҳам туризм кластерлари ташкил этилади.

Самарқандда қурилаётган янги халқаро аэропорт парвозлар сонини 7 — 10 баробарга ошириш ва четдан туристлар оқимини кескин кўпайтириш имконини беради.

Фаоллар йиғилишида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш, ёшлар билан тизимли ишлаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Хусусан, 106 та давлат боғчасини таъмирлаш, 6 та давлат-хусусий шериклик, 400 та оилавий боғча ва 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш бўйича гуруҳлар ташкил этиш орқали вилоятда мактабгача таълим қамрови 63 фоиздан 70 фоизга етказилади.

Самарқанд давлат университети ҳузурида Муҳандислик физикаси институти, Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти ташкил этилади. Нарпай хизмат кўрсатиш техникуми биносида Самарқанд давлат чет тиллари институтининг "Мактабгача ва бошланғич таълимда инглиз тили" ҳамда "Хорижий тил ва адабиёти" таълим йўналишлари бўйича факультети очилади.

Вилоятдаги ижтимоий соҳа объектлари учун республика бюджетидан қўшимча 200 миллиард сўм ажратиладиган бўлди.

Вилоятда "ёшлар дафтари"га киритилган 108 минг нафар ёшнинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида улар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўргатиш зарурлиги таъкидланди. Ушбу мақсад йўлида 6 мингга яқин ёшларга тадбиркорлик учун 136 миллиард сўм кредит ажратилади. "Ёшлар: 1+1" лойиҳаси доирасида 18 минг 500 нафар ёш касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилади, 13 минг 200 нафар ёшни тадбиркорликка ўргатиш ва уста-ҳунармандларга бириктириш орқали уларнинг бандлиги таъминланади. 14 минг 400 нафар ёш доимий ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилади.

Йилнинг учинчи чорагига қадар вилоятда "аёллар дафтари"га киритилган 35 минг нафар хотин-қиздан 7,5 минг нафарининг бандлигини таъминлаш, 2 минг 789 нафарини касб-ҳунарга ўқитиш чораларини кўриш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун Бандликка кўмаклашиш ва Жамоат ишлари жамғармаларидан 10 миллиард сўмдан маблағ ажратилади. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан 6 минг 341 нафар аёлни тадбиркорликка жалб этиш учун Халқ банки орқали 182 миллиард сўм йўналтирилади.

**— Ислоҳотларнинг пировард мақсади одамлар даромадини кўпайтириш, харид қобилиятини ошириш ва бандлигини таъминлаш орқали уларни ҳаётдан рози қилишдир, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Йиғилишда вазирлар, секторлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

Бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар, секторлар раҳбарларига жорий йилда вилоятда амалга ошириладиган ишлар юзасидан аҳолига мурожаат қилиш топшириғи берилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида очилган кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолияти билан танишди.

"Zarmed pratiksha hospital group" номли ушбу қўшма корхона Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлигида ташкил этилган. Унинг таъсисчиларидан бири Нишант Бажажнинг айтишича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга ташрифи, ишбилармон доиралар ўртасида ўтказилган учрашувлар ҳамкорликка ишонч туғдирган.

Қўшма корхонанинг дастлабки лойиҳаси бўлган мазкур тиббиёт маркази учун 8,5 миллион АҚШ доллари сарфланган.

Кўп тармоқли тиббиёт марказида 5 та жарроҳлик амалиёти хонаси, 100 ўринли стационар мавжуд. Интервенцион кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, эндоскопик жарроҳлик, ортопедия ва травматология, урология ва гинекология, отоларингология фаолият турлари учун замонавий диагностика ускуналари ўрнатилган. Бир вақтнинг ўзида 600 кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Тиббий хизматлар халқаро стандартлар асосида комплекс тарзда кўрсатилади. Марказда 140 та янги иш ўрни яратилган.

**— Мамлакатимизда хусусий тиббиётга шароит яратилгани натижасида мана шундай замонавий клиникалар кўпаймоқда. Эндиги вазифа беморларга сифатли хизмат кўрсатиб, одамларнинг ишончини қозониш. Даволаниш учун чет элга кетмоқчи бўлганларни ҳам жалб этиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Мутасаддиларга Самарқандда хусусий тиббиёт университети ва клиникадан иборат тиббиёт кластерини ташкил этиш, хорижда ишлаб юрган самарқандлик шифокорларни ишга таклиф этиш учун вилоят ҳокимлигида жамғарма тузиб, уларни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиалида даволанаётган Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳасан Нормуродовни бориб кўрди.

Бу инсон юртимиздаги фидойи нуронийлардан. Узоқ йиллар халқ таълими тизимида ишлаган. Кейинчалик "Нуроний" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси сифатида меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш ишларига катта ҳисса қўшган. Ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

82 яшар Ҳасан Нормуродов жонкуяр ва самимий инсон сифатида вилоят аҳолиси ўртасида ҳурмат қозонган. 2019 йилда Президентимиз Фармонига кўра "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланган.

Шавкат Мирзиёев фидойи меҳнат фахрийсига мустаҳкам соғлиқ ва бардамлик, узоқ умр тилади.

Ҳасан Нормуродов вақт топиб келгани, юксак эътибор кўрсатиб, қўллаб-қувватлагани учун давлатимиз раҳбарига ташаккур билдирди.

Шу билан Президентнинг Самарқанд вилоятига ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

---

## Ҳамкорлик

# Ўзбекистон делегацияси МДҲ ПАнинг 52-ялпи мажлисида иштирок этди

*Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Россия Федерациясида бўлиб, муҳим халқаро тузилма Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг 52-ялпи мажлисида қатнашди.*

Ялпи мажлисда, шунингдек, иштирокчи давлатлар парламентлари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар етакчилари ҳозир бўлди.

Пандемия даврида миграция жараёнларини қонунчилик билан тартибга солиш ва унда МДҲга аъзо мамлакатлар парламентларининг роли мажлисда муҳокама қилинган асосий масалалардан бири бўлди.

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоеванинг Россия Федерациясига расмий ташрифи давомида Ўзбекистон томонининг ташаббуси билан имзоланган икки мамлакат парламентлари юқори палаталари ўртасида Меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум МДҲ ПАнинг бошқа иштирокчи давлатлари учун ҳам яхши намуна ҳисобланади. "Ушбу ҳужжат намунали ҳужжатдир ва мен бошқа мамлакатларни ҳам шунга чорлайман", деди у.

➡ 2

---

## ДУНЁ НИГОҲИ

# РОССИЯ «КОБУЛ ЙЎЛАГИ»ГА ҚЎШИЛИШГА ТАЙЁР

*Ўзбекистон ва Покистон етакчилари иштирокидаги онлайн саммит ва унда муҳокама қилинган масалалар хорижий экспертлар ҳамжамияти, ОАВ, шу жумладан, Россияда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, "Независимая газета"да Виктория Панфилованинг "Россия "Кобул йўлаги"га қўшилишга тайёр" (Россия готова подключиться к "Кабульскому коридору") номли мақоласи эълон қилинди. Унда Россиянинг ҳам мазкур лойиҳага қизиқиши юқори эканлиги таъкидланади.*

*Қуйида мақоланинг ўзбек тилидаги матни билан танишишингиз мумкин.*

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Имрон Хон 14 апрель куни видеоконференцалоқа орқали минтақавий ҳамкорлик ва "Кобул йўлаги" трансафғон темир йўли лойиҳасини амалга ошириш масаласини муҳокама қилдилар. Магистраль Ўзбекистонни Арабистон денгизидаги Карачи ва Гвадар портлари билан боғлайди. Исломобод Марказий Осиё ва Россия бозорларига кириб боришни хоҳлайди.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар афғон масаласидаги позициялари туфайли узоқ йиллар таранг бўлиб келди. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар бошланиши билан вазият ўзгара бошлади. Расмий Тошкент янги савдо бозорларини қидириш йўлида қўшнилар билан муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор.

➡ 3

---

## Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигига

# БАРҲАЁТ САНЪАТКОР

*Халқимиз ўзининг улуғ сиймоларини ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг ижодий мероси ҳар биримиз учун қадрли ва ардоқлидир. Шу боис юртимизда адабиёт ҳамда санъат, илм-фан, қўйингки, барча соҳа вакиллари эъзозда ва эҳтиромда. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан миллий қўшиқчилик санъатини равнақ топтириш, унинг анъана ҳамда мактабларини бойитиш, бу йўлда самарали меҳнат қилган ижодкорлар хотирасини ҳурматлаш, ижодий фаолиятини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин.*

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ана шундай муҳим қадамлардан яна бири бўлди.

Бу ҳужжат матбуотда эълон қилингач, таҳририят топшириғига кўра Ўзбекистон халқ артисти, миллий эстрада санъати асосчиларидан бири, замонавий ўзбек маданиятини дунё миқёсида кенг тараннум этган, ижодий ва ижтимоий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган буюк санъаткор Ботир Зокиров ҳақида саҳифа тайёрланадиган бўлди. Шунга кўра, уни яқиндан таниган-билган инсонлар билан суҳбатлашдик, турли материаллар ва интернет тармоқларини кўздан кечирдик.

Ўрганиш чоғида хаёлимдан кечган фикр шу бўлди: айни пайтгача Ботир Зокировни яхши биламиз, деб юрган эканмиз. Аслида эса бу буюк санъаткор билан боғлиқ ҳали кўпчилик яхши билмайдиган ҳайратомуз тафсилотлару воқеалар кўп экан. Уларни халқимизга, жумладан, ёшларимизга тақдим этиш кони фойда. Токи бу ёруғ хотиралар ёшларни ҳақиқий санъатни севишга, азалий қадриятларни улуғлашга чорлаши, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мавжлантириши билан эътиборга молик.

6-саҳифага қаранг. ➡

# «БУ БИЗГА ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ БАҒИШЛАЙДИ»

*Президентимиз ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Ташриф давомида саноат корхоналари, туризм мажмуалари, транспорт инфратузилмаси, янги уйлар ва бошқа объектларни бориб кўрди. Барча йўналишлардаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича зарур кўрсатма ҳамда тавсиялар берди.*

*Мухбиримиз айни жараён иштирокчиларининг таассуротлари, фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.*

## Муносабат

**Азиз АБДУҲАКИМОВ, туризм ва спорт вазири:**

— Самарқанд туманида барпо этилаётган янги туризм маркази — туристик хабга айланади. Уни 2022 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бу ерда фақат меҳмонхоналар эмас, балки йирик туристик мажмуа ташкил этилади. Яъни ушбу мажмуага келган меҳмонларга барча хизмат кўрсатилади. Қолаверса, жуда ноёб — "Абадий шаҳар" деб номланган карвонсарой шакллантирилади. Бу ерда миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, архитектурамиз, ҳунармандчилигимизнинг барчаси акс эттирилади.

Президентимизга мазкур янги сайёҳлик марказининг шу ва бошқа кўплаб имкониятлари, туристларга кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари марказ бошқарувини самарали ташкил этиш, туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳам топшириқлар берди.

Туризм марказида бунёдкорлик ишлари жараёнида яна бир жиҳатга, яъни ҳудудни кўкаламзорлаштириш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда. Марказ ён-атрофида яратилиши режалаштирилган боғларнинг барчаси ноёб дарахтлардан иборат бўлади. Айни пайтда ушбу мажмуадан 12 мингдан ортиқ ноёб дарахт турлари ўрин олган ва уларнинг барчаси Италия давлатидан келтирилган. Келгусида туристик марказ атрофидан юз гектарлик боғ ўрин олади.

**Ёрқин ҲОЖИЕВ, агроном:**

— Туризм маркази ҳудудига 12 минг дона манзарали, 6 минг дона игнабаргли дарахтлар, 200 мингга яқин ҳар хил буталарнинг экилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, қарийб 20 минг квадрат метр майдонга кўп йиллик ва бир йиллик гулларнинг ҳам экилиши режалаштирилган.

Италиялик мутахассислар келиб, бизнинг иқлим шароитимизни ўрганишди ва мутахассисларимиз билан келишган ҳолда мана шу дарахтларни олиб келиб, иқлимлаштириб, Самарқанд ҳудудида ўсишини ҳисобга олиб, парвариш қилмоқдамиз.

**Темур ҲАЙДАРОВ, Ургут туманидаги «Kamalak Tekstil» корхонаси бош менежери:**

— Давлатимиз раҳбари бизнинг корхонамиз фаолияти билан ҳам танишиб, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, бошқа туманларда ҳам шундай корхоналар ташкил этиб, иш ўринларини кенгайтириш юзасидан топшириқлар берди. Албатта, бу бизга куч ва шижоат бағишлайди.

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган гилам маҳсулотлари дунёнинг кўплаб — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Россия ва МДҲнинг бошқа давлатларига экспорт қилинмоқда. Яқинда Саудия Арабистони ва АҚШга ҳам гилам экспортини йўлга қўйдик.

Келгусида янги лойиҳа асосида 300 кишилик янги гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини барпо этмоқчимиз. Очиқ ва самимий суҳбат давомида Президентимиз ушбу лойиҳамизни қўллаб-қувватлади, уни тезроқ ишга тушириш бўйича топшириқлар берди.

**Элбой БОЗОРОВ, «Sag Agro» МЧЖ «in vitro» лабораторияси муҳандис-биотехнологи:**

— Президентимиз Жомбой туманида жойлашган "Sag Agro" масъулияти чекланган жамиятининг "in vitro" лабораториясига ҳам ташриф буюрди. Очиғи, бундан жудаям хурсанд бўлдик.

Лойиҳа қиймати 2,6 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур лаборатория учун 24 гектар ер ажратилган бўлиб, 2 гектарда замонавий иссиқхона барпо этилган. Яна 3 гектар майдонда янги иссиқхона қуриш режалаштирилган. Қолган майдонда эса мамлакатимизда учрамайдиган 65 хил мевали дарахтлар кўчати олиб келиниб, парвариш қилинади.

Давлатимиз раҳбари лаборатория фаолияти билан яқиндан танишар экан, бу қўшилган қиймат яратишда инқилобий усул эканлигини ва илмий ёндашув билан самарадорликни янада ошириш кераклигини таъкидлади.

"In vitro"нинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 15 миллиондан 20 миллион донагача пайвандтаг ҳамда пайвандланган кўчатлар етиштириш имконини беради. Айни пайтда бу ерда ёнғоқ, бодом, шафтоли, гилос, ўрик, нок, олма каби экспортбоп меваларнинг касалликдан холи, иқлим шароитимизга мос кўчатлари етиштирилмоқда. Натижада илгари хориждан олиб келинган мевали ва манзарали дарахт кўчатларини маҳаллий шароитда тайёрлаб, харидорларга бир неча баробар арзон нархларда етказиб беряпмиз.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, лабораториямизда илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимлар ва мутахассислар билан суҳбатлашиб, уларга кўпроқ ўқиб, тажриба орттириш бўйича ўз тавсияларини берди. Буларнинг барчаси фаолиятимизда қўл келади, албатта.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# Ўзбекистон делегацияси МДҲ ПАнинг 52-ялпи мажлисида иштирок этди

1

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева ҳам сўзга чиқди.

— Учрашувимиз барча учун эпидемиологик вазият оғир бўлган шароитда ўтмоқда, — деди Сенат Раиси. — Шунга қарамай, биз учун муҳим ва долзарб масалалар мажлис кун тартибидан жой олган, улар давлатларимизнинг қонунчилик базасини ривожлантиришга ва фуқароларимизнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Парламент аъзолари Ассамблея томонидан тайёрланган МДҲ иштирокчи мамлакатлари учун Миграция кодекси лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Ўз нутқида Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари МДҲ ПАга аъзо давлатларни Пандемия даврида халқаро ихтиёрий мажбуриятлар кодекси ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларнинг ролини ошириш тўғрисидаги резолюциясини кўриб чиқиш бўйича ишларда фаол иштирок этишга чақирди. Қатнашчиларни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда тайёрланаётган Пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари бўйича юқори даражадаги халқаро конференцияга ва "БРМга эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик" халқаро конференциясига таклиф қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ўз ёшларини ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганини инобатга олиб, МДҲ Ёшлар Парламентлараро Ассамблеяси мажлисларидан бирини 2022 йилда бўлиб ўтадиган Кенгаш мажлиси ва ПА ялпи мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикасида ўтказишни таклиф қилди.

— Ишончим комил, бугун қабул қилинган қўшма қарорлар Ассамблея доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишда муҳим қадам бўлади, — деб таъкидлади Сенат Раиси Т. Норбоева. — Бундан ташқари, Евроосиё аёллар форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фаол иштирок этишга тайёрлигимизни билдирамиз. Бу форум минтақамиздаги хотин-қизларга барча соҳада тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар тақдим этишнинг



устувор йўналишлари ва стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим майдон ҳисобланади.

Россия Федерацияси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Александр Горовой пандемия даврида фуқароларини ўз Ватанига қайтаришда, шу жумладан, махсус авиарейслар ва поездлар ташкил этишда самарали иш олиб борилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига алоҳида миннатдорлик билдирди.

52-ялпи мажлис якунлари бўйича модель хусусиятга эга 6 та ҳужжат қабул қилинди. Миграция кодекси, "Болаларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида", "Психиатрия ёрдами ва уни кўрсатишда фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида", "Тиббий ёрдам кўрсатишда клиник тавсиялар тўғрисида", "Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида ахборот олиш ҳақида", "Минтақавий инвестиция лойиҳалари тўғрисида"ги модель қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисдан кейин ўтказилган матбуот анжуманида юқори палата раҳбари Ўзбекистоннинг 2020 йилда МДҲга раислигининг асосий якунлари тўғрисидаги саволларга батафсил жавоб берди:

— 2020 йил 18 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида видеоконференцалоқа тарзида бўлиб ўтган МДҲ саммити якунлари бўйича МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ва уни ривожлантириш бўйича асосий чора-тадбирлар режаси қабул қилинди. Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топганлигининг 75 йиллиги муносабати билан қўшма баёнотлар ҳамда Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида қўшма баёнот маъқулланди. Биз парламент аъзолари учун муҳими шундаки, ушбу саммитда Валентина Матвиенко иштирок этди ва давлат раҳбарларини Парламентлараро Ассамблеянинг фаолияти тўғрисида хабардор қилди.

Таъкидлаш жоизки, МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари Парламентлараро Ассамблеянинг фаолиятини бир овоздан маъқулладилар, ишни шундай суръатда давом эттириш тавсия этилди.

Ушбу саммитда Ўзбекистон Президенти Парламентлараро Ассамблея мажлисларидан бирини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилган эди. Ушбу таклиф қабул қилинди ва кеча МДҲ ПАнинг навбатдаги мажлисини 2022 йилда Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилинди.

Фурсатдан фойдаланиб, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси раислик қилган даврда Ўзбекистон учун белгилаб берилган Ҳамдўстлик вазифаларини бажариш мақсадида амалга оширилган улкан ишлар учун МДҲга аъзо давлат парламентларининг барча раҳбарларига ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

# Узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга келишиб олинди

*Кеча мамлакатимиз парламенти делегациясининг Россия Федерациясига ташрифи доирасида Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшан Алимов Санкт-Петербург Қонунчилик мажлиси раисининг ўринбосари С. Соловьев билан учрашди.*

Экспорт ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳамда бошқа соҳалар бўйича ҳамда минтақалараро даражада ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Россия томони Ўзбекистон ҳудудлари билан ҳамкорлик даражасини юқори баҳолади, қўшма лойиҳаларни амалга оширишда савдо ҳажми ва самарадорликни таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

С. Соловьев Қонунчилик мажлисининг бириктирилган аъзолари мерия бўлинмалари ва Россиянинг маҳаллий компаниялари билан яқин алоқада Ўзбекистоннинг ҳамкор ҳудудлари билан эришилган келишувларни ("йўл хариталари"ни) мониторинг қилиб боради. Санкт-Петербург шаҳри Ўзбекистоннинг етакчи ижодий жамоалари билан турли маданий тадбирлар ўтказишдан манфаатдор.

— Санкт-Петербург Қонунчилик мажлиси ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари билан боғлиқ вазиятни диққат билан кузатиб боради ва юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр, — деди Санкт-Петербург Қонунчилик мажлиси раиси ўринбосари С. Соловьев. — Санкт-Петербург шаҳри Россия Федерациясига яқинда бўлиб ўтадиган олий даражадаги ташриф доирасида навбатдаги Ўзбекистон — Россия ҳудудлараро форумида иштирок этади.

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов шоурумли умумий савдо уйлари ташкил этиш, Санкт-Петербургнинг йирик ретейлерлари билан Ўзбекистон корхоналарининг узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, икки мамлакат савдо-саноат палаталари ваколатхоналарини очишни таклиф қилди. Бу ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашини айтди.

Томонлар қўмиталар ва Кенгашларнинг сайёр қўшма мажлисларини ташкил этиш, ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини амалга ошириш, саноат корхоналари маҳсулотлари кўргазмаларини ўтказиш, икки мамлакат туроператорлари ҳамда сайёҳлари учун қулай шароитлар яратиш ва бошқа масалаларда келишиб олдилар.

# Санкт-Петербург шаҳридаги ватандошларимиз билан учрашув

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева бошчилигидаги парламент делегациясининг расмий ташрифи доирасида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги ватандошларимиз билан учрашув бўлиб ўтди.*

Унда Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ботиржон Асадов, Ўзбекистон парламенти делегацияси аъзолари, Санкт-Петербургда яшовчи ватандошларимиз иштирок этди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар, мамлакатимиз фуқаролари бўлмиш меҳнат мигрантларини мунтазам қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор қаратиш, ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш, хорижда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш тўғрисида батафсил ахборот берилди. Хусусан, Россия Федерацияси ҳудудларида бош консулликлар очилгани, шунингдек, Ўзбекистонда паспорт-виза хизмати ишга туширилгани фуқароларимизга кўплаб муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бермоқда. Коронавирус пандемияси даврида ватандошларимизга ёрдам кўрсатиш ҳақида сўз юритилди.

Россия томони меҳнат мигрантларининг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳукуматлараро келишувларни амалга ошира бошлагани қайд этилди. МДҲ ПАнинг баҳорги сессияси доирасида Меҳнат миграцияси масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Парламент юқори палатаси раҳбари Т. Норбоева ва РФ Федерация Кенгаши Раиси ўртасидаги учрашув вақтида улар миграцияни тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштиришга келишиб олдилар.

Бугун Россия Федерациясидаги бош консулхоналар ходимлари ватандошларимиз билан алоқа ўрнатган, улар билан мунтазам учрашув ўтказмоқда ва уларга зарур ёрдам кўрсатмоқда. Учрашув давомида сўзга чиққанлар ўзбек адабиёти кутубхонасини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини ҳам таъкидладилар. Бу ерда нафақат буюк ўзбек ёзувчиларининг нодир ҳамда севимли асарларини, балки мамлакатимизда чоп этилган газета ва журналларни ҳам она тилимизда ўқиш мумкин бўлади. Миллий ҳунармандчилик, санъат ҳамда маданиятни оммалаштириш масаласи муҳокама этилди.

Ёшлар ва гендер сиёсатини амалга ошириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, уларга тегишли тиббий хизматлар кўрсатиш ва доимий равишда тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида ҳамда консуллик идораларида Жамоат хотин-қизлар кенгашини ташкил этиш масалалари кўтарилди. Шунингдек, миграция қонунчилигини мақбуллаштириш, рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш, меҳнат фаолияти учун патент олиш, мамлакатлар ўртасида транспорт алоқаларини тўлиқ тиклаш, Россияда яшайдиган, ишлайдиган ёки ўқиётган ватандошларимизнинг фарзандлари етарли билим олиши зарурлиги таъкидланди, шунингдек, бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Учрашувда сўзга чиққанлар пандемия даврида зарур ёрдам кўрсатилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдириб, Россияда халқимизнинг тарихий ва маданий мероси, миллий қадриятлари, анъаналари ҳамда урф-одатларини оммалаштиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Учрашув очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтди, иштирокчилар ўзларининг фикр ва таклифлари билан ўртоқлашди, шунингдек, Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси раҳбарига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева бошчилигидаги парламент делегациясининг Россия Федерациясига ташрифи ниҳоясига етди.

**Олий Мажлис Сенатининг**
**Ахборот хизмати.**

# ИНТЕНСИВ БОҒЛАР ҲИСОБИГА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

*Қишлоқ хўжалиги ҳамда аграр соҳа юртимиз иқтисодиётининг "драйвери" бўлиши керак. Шу боис кейинги йилларда соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келиняпти.*

## Фикр

Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан тизимни тубдан ислоҳ қилиш, жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳамда янги инновацион технологияларни татбиқ этиш, соҳага инвестиция жалб қилиш юзасидан қатор ҳужжатлар имзоланди. Олиб борилаётган шу саъй-ҳаракатлар сабаб қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик соҳасида ҳам салмоқли ютуқ ва натижалар қўлга киритилаётир.

Бугунги кунда боғдорчиликка ихтисослаштирилган кластер тизимидаги фермер хўжаликлари, асосан, интенсив усулдан кенг фойдаланмоқда. Сабаби, чуқур изланишлар ва илмий жиҳатдан асосланган кўп йиллик тажрибага таянган ҳолда интенсив усулдаги боғлар бугун ўз ижобий самарасини бермоқда. Юртимизда сув ресурси имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, сув тежаладиган усулдаги боғларни кўпайтириш эвазига ерларни кучли шўрланишдан сақлаб қолиш, шунингдек, менерал ўғитларни меъёрлаштиришда ҳам қўл келмоқда. Шу билан бирга, озиқ-овқат танқислигининг олдини олиш мақсадида янги ташкил этилаётган боғларда қатор ораларига мева-сабзавот экиш ва уларни парваришлаш ҳам доимий эътиборда.

Жумладан, Самарқанд вилоятининг Жомбой, Пайариқ ва Самарқанд туманларида "Agromir group" МЧЖ томонидан мевали дарахтлардан иборат интенсив усулдаги боғлар ташкил этилганини айтиш жоиз. Қолаверса, бундай кўчатларни клонлаштириш ҳам йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги қарори асосида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, хусусан, Пайариқ тумани аҳолисини доимий иш ўринлари билан таъминлаш, даромадларини ошириш мақсадида интенсив усулда токзорлар барпо қилинмоқда.

Масалан, 2020 йил якуни ва 2021 йилнинг биринчи чорагида туманнинг Дўстлик маҳалласида 1 минг 580 гектар боғ яратилиб, 3 минг 160 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди. Бундай ишларни Шўртепа маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда 570 гектар боғ барпо қилинди ва 1 минг 150 нафар фуқаро ўз иш жойига эга бўлди. Йил якунига қадар яна 3 минг фуқарони доимий иш ўрни билан таъминлашни ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз.

**Шавкат ЖАЛОЛОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**«Agromir group» директорлар**
**ассоциацияси кенгаши раиси.**

# РАҲБАРЛАР ОЛДИГА ҚАТЪИЙ МАСАЛА ҚЎЙИШИМИЗ ЗАРУР

*Давлатимиз раҳбари бошчилигида 8 апрель куни тадбиркорликни ривожлантириш ва жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида баъзи бир раҳбарларнинг ўзини қийнаб, масаланинг ичига кирмаётганлиги, жойларда тадбиркорларнинг муаммолари бўйича тизимли ишлар амалга оширилмаётганлиги адолатли танқид қилинди.*

## Акс садо

Халқимиз манфаатларини кўзлаб жуда муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда, лекин уларнинг ижроси етарли даражада таъминланмаётгани афсусланарли. Йиғилишда бу борадаги вазият чуқур таҳлил этилди.

Бундан буён назорат қаттиқ бўлиши, ўзини қийнамаган, тизимли ишни амалга оширмайдиган раҳбарлар қаттиқ огоҳлантирилди. Ҳудудларга назорат-таҳлил тадбирларига чиққанда кўряпмиз, айрим мутасаддилар ҳали ҳам уйғонмаган, фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш масаласига юзаки ёндашиш ҳолатлари оз эмас.

Йиғилишда узоқ чекка ҳудудларда жойлашган ер участкаларининг бошланғич нархини 50 фоизгача чегирма билан сотувга қўйиш ваколатини маҳаллий Кенгашларга бериш таклифи билдирилди. Унумдорлиги паст бўлган ва фойдаланилмаётган қишлоқ хўжалиги ерларида ҳам кичик саноат зоналари ташкил этиш мумкинлиги айтилди. Бу топшириқларнинг ижроси, албатта, ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлардан биридир.

Электр қувватининг пастлиги натижасида Янгиҳаёт туманидаги 24 та корхонада 2,5 мингта иш ўрни ва экспортдан йилига 25 миллион доллар йўқотилаётгани ҳақидаги маълумот одамни чуқур ўйга толдиради. Бундай ҳолат республикамизнинг кўплаб ҳудудларида кузатилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу муаммони ҳал этиш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан стратегик аҳамиятга эгадир.

Шу боис жорий йилда саноат зоналарини инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, қанча-қанча тадбиркорларнинг электр энергияси, газ, сув, йўллар борасидаги муаммолари ечилади.

Йиғилишда қўйилган вазифалар тўлиқ бажарилиши халқимиз турмушини яхшилашда, ижтимоий масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун биз, депутатлар округларга чиққанда, фақатгина танишиш, ўрганиш билан чекланмасдан, маҳаллий раҳбарларнинг олдига қатъий масала қўйишимиз зарур, деб биламан.

**Мавжуда ҲАСАНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик**
**палатаси депутати.**

# «ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИ»

*Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали билан ҳамкорликда "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг асоси" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

## Давра суҳбати

Видеоконференцалоқа шаклидаги ушбу тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Ф. Эшматова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А. Саидов, нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда журналистлар қатнашди.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг "Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ" деган эзгу ғояси асосида Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини кафолатлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётир. Қолаверса, Омбудсман ваколатларини кенгайтириш ва мурожаатлар билан ишлаш механизми, жумладан, қийноқларга қарши курашиш борасидаги ислоҳотлар салмоғи ҳам юқори.

Давра суҳбатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганини, шунингдек, мамлакатимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлгани ҳам тарихий воқеа сифатида баҳоланишини таъкидлади. Ўз навбатида, болалар меҳнати тўлиқ бартараф этилиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти ҳам йўлга қўйилгани эътироф қилинди.

Анжуманда қайд этилганидек, Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинаётир. Масалан, биргина "Меҳр-3" операцияси доирасида Суриядан юзга яқин фуқаролар, асосан, аёллар ҳамда болалар юртимизга қайтарилди. Ўтган йили давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонлари билан 510 нафар фуқаро афв этилган.

Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм доирасида одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш бўйича аниқ чоралар кўрилаётгани айтиб ўтилди. Бунинг учун Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, Вакил ваколатлари кенгайтирилди. Омбудсман ҳузурида қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизм йўлга қўйилиб, бу орқали жазони ижро этиш муассасаларида, тергов ҳибсхоналари ва бошқа ёпиқ муассасаларда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Шу йилнинг биринчи чораги давомида Миллий превентив механизм доирасида фаолият кўрсатувчи жамоатчилик вакилларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга 25 га яқин "мониторинг ташрифлари" амалга оширилди. Ўрганишлар давомида мингдан зиёд маҳкумлар билан жамоавий учрашув ҳамда 217 нафар маҳкум билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилган.

Тадбир якунида бундай учрашувларни доимий равишда ўтказишга келишиб олинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# КУЧЛИ ИНТЕГРАЦИЯ ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ЙЎНАЛИШ

*Ўзбекистон истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топиш йўлидан дадил одимлай бошлади. Бунинг учун аввало, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўли танланганлигини айтиш зарур. Шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ бугун юртимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланди.*

## Мушоҳада

Бошқа соҳаларда бўлгани сингари мазкур йўналишда ҳам Ҳаракатлар стратегияси дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, мазкур ҳужжатда давлат иқтисодиётини ривожлантириш омили сифатида халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш лозимлиги алоҳида келтириб ўтилган.

Ҳозирги глобаллашув, интеграциялашув ҳамда ахборотлашув жараёнида бошқа давлатлар ёки халқаро тузилмалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш янада долзарб аҳамиятга эга. Қолаверса, улар билан ҳамкорлик биз учун ҳам ҳар жиҳатдан қулай ва манфаатли ҳисобланади.

Шу боис ҳам кейинги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатида нуфузли халқаро ташкилотлар, халқаро минтақавий ташкилотлар ҳамда ривожланган ва ривожланаётган давлатлар билан кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга эътибор кучайтириляпти.

Европа Иттифоқи давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлиги Марказий Осиё интеграциясида, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, ўзаро ижтимоий-иқтисодий, савдо, илмий-техникавий соҳалардаги ришталарни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун Ўзбекистон ўз иқтисодиётини модернизациялаш масаласида ҳам сезиларли ютуқларга эришаётгани кенг жамоатчилик орасида эътироф қилинаётганини ҳам айтиш зарур. Мамлакатимизнинг Европа Иттифоқининг "GSP+" преференциялар дастурига қабул қилиниши экспортнинг барқарор ўсиши ва диверсификацияси учун мустаҳкам пойдевор яратади. Бу эса Европа Иттифоқи давлатлари билан ўзаро манфаатли савдо муносабатлари тез суръатларда ривожланишига хизмат қилади.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши натижасида миллий ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар ўз маҳсулотларини Европа бозорига экспорт қилиши ва тариф имтиёзларидан фойдаланишлари мумкин. Бу Ўзбекистон миллий товарлари Европа бозорига кириб боришини ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг "GSP+" бенефициари сифатида қабул қилиниши Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётгани ва уни мустаҳкамлаш борасида янги устувор вазифалар белгиланаётгани, ишбилармонлик муҳити, суд тизими, хавфсизлик хизматлари, иш шароитлари, маъмурий жавобгарлик ҳамда самарадорликни яхшилаш бўйича тан олинганлигини акс эттиради. Бу, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат соҳаларидаги изчил ижобий ривожланишдан далолат беради.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Суд-ҳуқуқ масалалари ва**
**коррупцияга қарши курашиш**
**қўмитаси раиси.**

# Россия «Кобул йўлаги»га қўшилишга тайёр

1

"XXI асрнинг учинчи ўн йиллигида иқтисодиёт бирлаштирувчи манба бўлмоқда. Ўзбекистон учун денгизларга, шу жумладан, Покистон орқали чиқиш ўта муҳим. Боз устига, Жанубий Осиё йирик савдо бозори ҳисобланади. Маълумки, бугун Ўзбекистон иқтисодиёти экспорт имкониятларини кенгайтиришга қаратилган", — дейди "НГ"га Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш маркази илмий ходими Александр Воробьев.

Покистон ҳам, ўз навбатида, маҳсулотини сотиш учун Ўзбекистонни бозор сифатида кўрмоқда. Гарчи мамлакатлар ўртасидаги савдо айланмаси пандемия сабабли юзага келган чекловлар туфайли қониқарсиз бўлиб, 2020 йил якунлари бўйича атиги 123 миллион долларни ташкил этган бўлса-да, Имрон Хон қайд этганидек, "салоҳиятдан фойдаланиш имконияти мавжуд".

Икки томонлама савдо ривожига бевосита транспорт алоқасининг йўқлиги асосий тўсиқ эканлиги айтилмоқда. Айнан "Кобул йўлаги"ни қуриш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, икки мамлакат етакчи корхоналари ва компаниялари ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш, авиаалоқани тиклаш, минтақалараро мулоқотларни ривожлантириш масалалари олий даражадаги музокараларда асосий мавзулардан бўлди. Тошкент ва Исломободнинг трансафғон темир йўли Марказий Осиёнинг транзит салоҳиятини тубдан оширишига ҳамда минтақанинг Европа ва Осиё учун қуруқликдаги қисқа йўналиш бўйича кўприк сифатидаги тарихий ролини тиклашига ишончи комил.

"Афғонистон орқали Покистонга темир йўл тармоғини тортиш лойиҳаси кўп жиҳатдан мантиқли. Аммо битта жиддий минуси бор: хавфсизлик масаласи. Йўл Мозори-Шариф — Ҳирот ва Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар — Карачи йўналиши бўйлаб ўтади, бу 573 чақирим масофа. Бироқ темир йўллар хавфсизлигини узоқ муддатга кафолатлаш ўта мураккаб иш. Биласиз, шундай ибора бор: пул жимликни ёқтиради. Бундан ташқари, магистраль Афғонистоннинг тоғли туманларидан ўтиши сабабли қурилиш муҳандислик нуқтаи назаридан мураккаб, лекин баҳоли қудрат амалга оширса бўладиган лойиҳа", — дейди Воробьев. Эксперт фикрича, хавфсизлик масалаларида Покистоннинг толибларга таъсир кўрсатиш имкониятига суянилади.

Дарвоқе, лойиҳани амалга оширишга Кобул ҳам, "Толибон" ҳаракати раҳбарияти ҳам розилик берган. 2021 йилнинг 10 апрелида Доҳада Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов офиснинг сиёсий раҳбари мулла Бародар Охун билан музокаралар ўтказди, толиблар етакчиси Ўзбекистон амалга ошираётган йирик инфратузилмавий лойиҳалар нафақат Афғонистоннинг иқтисодий тараққиётига, балки мамлакатда тўлақонли сиёсий жараёнларнинг ишга туширилишида керакли шароитларни яратишга хизмат қилишини айтди. Унинг сўзларига кўра, Афғонистон келажакда Марказий ҳамда Жанубий Осиё ўртасида "ишонч ва ҳамкорлик кўприги" бўлиши мумкин. Бу лойиҳа Афғонистон учун "иқтисодий трамплин" бўлади, негаки, йўлнинг маршрути мис, қалай, гранит, рух, темир рудаси ва бошқа фойдали қазилмалар конлари ёнидан ўтади. Уларнинг қазилиши бошланса, ўн минглаб иш ўринлари яратилади.

Эслатиб ўтамиз, Тошкент ва Исломобод ўртасида лойиҳанинг "Йўл харитаси" имзолаб бўлинган. Халқаро молиявий ташкилотлар лойиҳага пул беришга, хусусан, грант ажратишга тайёр. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестициявий банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (АҚШ) лойиҳага қизиқиш билдирди.

"Темир йўл барпо этиш масаласида Хитой омили Ўзбекистон ва Покистон позицияларини яқинлаштиришда муҳим роль ўйнаши мумкин. Покистон сўнгги ўн йилликда ХХР билан сезиларли яқинлашди. Исломобод Пекиннинг Евроосиёга транспорт йўлакларини қуриш борасида илгари сураётган ташаббусларида фаол иштирок этмоқда. Хитой дўстона Покистон орқали Ҳинд океанига деярли йўл очиб бўлди", — қайд этади Александр Воробьев.

Россия "Кобул йўлаги"нинг қатнашчиларидан бири бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди расмий Тошкент, зеро, Москва тинчлик ўрнатиш бўйича уринишларнинг бошқа иштирокчилари — Пекин, Исломобод билан бир қаторда, Афғонистонда сиёсий барқарорлик бўлишидан манфаатдор. Бундан ташқари, Покистон ва Россия иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори. Исломобод Россияга ўзининг мева-сабзавот, тўқимачилик маҳсулотларини сотишдан манфаатдор, шунингдек, россиялик мутахассислар иштирокида қурилган Карачидаги пўлат қуйиш заводининг модернизация қилинишини истайди.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ тайёрлади.**

# ҚИЗҒИН ТОРТИШУВЛАР, ЭЪТИРОЗЛАР ВА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАКЛИФЛАР

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари видеоконференция тарзида бўлиб ўтди. Уларда парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.*

## Фракцияларда

### Қонунчилик талаблари ва киритилган ўзгартишлар

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Фракция аъзоси Эркин Зоҳидовнинг қайд этишича, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда ишчи гуруҳнинг кўплаб йиғилишлари ўтказилган. Уларда қонун лойиҳасига бир қатор муҳим ўзгартишлар киритилган. Масалан, қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, лойиҳа алоҳида бобларга бўлиб чиқилган. Шунингдек, унинг 11-моддасига давлат органлари ҳамда ташкилотларининг ходимлари ўзининг хизмат ва профессионал вазифаларини бажариши учун давлат тилини билишлари шарт, деган норма киритилди.

"Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида қайд этилганидек, ушбу ҳужжат давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 ноябрдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Депутатларнинг фикрича, таклиф этилаётган лойиҳанинг қабул қилиниши қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича тўлов интизоми даражасини ҳамда ушбу соҳа ташкилотларининг молиявий кўрсаткичларини мустаҳкамлаш орқали асосий фондларни янгилаш ва хизматлар сифатини оширишга имкон беради.

### Таълимни ҳамма ўз она тилида олиши шарт

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси **"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** йиғилишида муфассал кўриб чиқилди.

Йиғилишда партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, бу борада бир неча таклифлар илгари сурилгани қайд этилди. Жумладан, давлат хизматларида ишлаётган ходимлар давлат тилини билиши, жисмоний ва юридик шахслар давлат органлари ҳамда муассасаларга давлат тилида мурожаат қилиши шарт. Бошқа тилдаги мурожаатларда эса давлат тилидаги таржимаси илова қилинади. Шу билан бирга, мурожаатларга давлат тилида жавоб қайтарилади. Суд ишлари давлат тилида ва қорақалпоқ тилида юритилади.

Фракциянинг энг муҳим таклифларидан бири, бу — таълим тилини танлаш билан боғлиқ масаладир. Конституцияда мамлакатимизда яшаётган фуқароларга ўз она тилида таълим олиш ҳуқуқи берилган. Партия шу ҳуқуқни сақлаб қолган ҳолда, ўзбек фуқаролари бошланғич таълимни ўз она тилида олиши шарт, деган таклифни илгари сурмоқда.

Йиғилишда қонунга масъул қўмита вакили "Миллий тикланиш" ДП томонидан айтилган айрим таклифларга эътироз билдирилди ва бу фракция аъзоларининг кескин норозилигига сабаб бўлди.

— Биз ҳозир 90 фоиз ўзбек тилида гаплашувчиларни бир четга суриб, 10 фоизли бошқа миллатли ватандошларимиз ҳуқуқига кўпроқ эътибор беряпмиз, унда ўзбек тили қачон ривожланади, — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров. — Бугун ўзбек тили компьютер, техника тили эмас, таълим тили ҳам эмас, ҳатто амалиётда кўряпмиз, қонун тили ҳам эмас. Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашдан мақсад тилимизни ривожлантириш эмасми?

Қизғин тортишувлардан сўнг фракция аъзолари ўз таклифларида қатъий туришини, акс ҳолда қонун лойиҳасига қарши овоз беришини маълум қилди ва лойиҳани иккинчи ўқишда тасдиқлади.

### Интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш муддатлари қисқартирилади

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** аъзолари "Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан соҳадаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ ва ҳаётий механизмлари яратилаётганлигига эътибор қаратди.

Йиғилишда рўйхатга олинган объектлар сони кўпайишига қарамасдан, ҳимоя қилинадиган объектларнинг турига қараб уларни рўйхатдан ўтказиш муддатлари 8 ойдан 4 йилгача бўлган муддатни талаб этиши бу масаладаги тизимли муаммолардан бири сифатида баҳоланди. Хусусан, товар белгилари бўйича рўйхатдан ўтказиш муддати 8 ойни, ихтиролар бўйича — 4 йил, фойдали моделлар бўйича — 20 ой, саноат намунаси бўйича — 11 ойни ташкил этади. Бу, ўз навбатида, уларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқларини инсофсиз рақобатчилардан муҳофаза қилишга таъсир кўрсатади.

Шу мақсадда қонун лойиҳасида интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнига тезкор экспертизани жорий этиш, интеллектуал мулк объектлари рўйхатдан ўтказилиш муддатларини қисқартириш, айни пайтда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида мулкий ҳуқуқлар ҳимоя муддатини узайтириш, етказилган зарар учун товон миқдорининг белгиланиши каби масалалар ўз ифодасини топган.

Депутатлар эътирофига кўра, таклиф этилаётган нормаларнинг қабул қилиниши билан товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш муддатини 3 ойгача қисқартиришга эришилади.

### Лойиҳа айрим эътирозларга сабаб бўлди

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Маълумки, Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари ҳузуридаги санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказларига қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича тўловлар юзасидан қарздорликларни ундириш тўғрисидаги аризаларни судларга киритиш вазифаси юклатилган.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда қарздорликларни ундириш тўғрисидаги аризаларни судларга киритишга бир қатор омиллар таъсир кўрсатяпти. Жумладан, "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича тўловлар юзасидан қарздорликларни ундириш тўғрисидаги аризаларни судларга киритишда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари (223 минг сўм)дан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўланиши лозим. Асосийси, кўп ҳолларда қарздорлик миқдори белгиланган давлат божидан кам миқдорни ташкил қилиб, судларга ариза тақдим этишнинг ҳам иқтисодий, ҳам мантиқан мақсадга мувофиқ эмаслигига олиб келади.

Депутат Мақсуда Ворисова бу борада қонунчиликка киритиладиган ўзгартиш хусусида шундай деди:

— Очиғини айтиш керак, қонунга аҳолига маълум даражада моддий қийинчилик туғдирадиган модда киритилмоқда. Бунга қаттиқ чиқиндилар бўйича 300 миллиард сўмдан ортиқ дебиторлик қарздорлик мавжудлиги ҳам асос сифатида келтирилди. Ушбу қарздорлик қай даражада асосли экани тасдиқланганми? Ҳудудлар кесимида оладиган бўлсак, асосий қарздорлик қайси ҳудудларга тўғри келяпти? Вилоятларга чиққанимизда маиший чиқиндилар билан боғлиқ вазият қандай эканини кўриб турибмиз. Аҳоли маълум маънода норози бўляпти.

Чиқинди ташиш билан шуғулланувчи корхоналар аҳоли билан мулоқотда бўлиб турибдими, қарздорликлар бўйича огоҳлантирилганми? Шу сабабли қонунчиликка бундай ўзгартиш киритиш қанчалик тўғри?

Депутатнинг саволларига Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Исломбек Боқижонов жавоб бериб, бу борада жойларда аҳоли билан тушунтириш ишлари олиб борилгани, улар огоҳлантирилгани, ҳудудлар кесимида энг катта қарздорлик Тошкент шаҳри, Андижон, Хоразм вилоятлари ҳиссасига тўғри келишини маълум қилди.

Фракциянинг айрим аъзолари қонун лойиҳасини қўлламаслигини билдирди.

### Чиқиндилар билан боғлиқ қарздорликларни ундиришда давлат божи бекор қилинмоқда

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида ҳам "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақидаги"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, бугунги кунда санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган 15 та давлат ташкилоти томонидан республика ҳудудининг 80 фоизи маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари билан қамраб олинган. Айни пайтда мазкур хизматлар билан қамров даражасини юз фоизга етказиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш ишларида айрим муаммоларнинг мавжудлиги чиқиндилар билан боғлиқ самарали тизимни шакллантиришга ҳамда мазкур соҳага ихтисослаштирилган юридик шахслар манфаатларини ишончли ҳимоялашга тўсқинлик қилмоқда. Жумладан, тўлов интизоми даражасининг пастлиги қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотларнинг молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиб, асосий фондларни янгилаш ва хизматлар сифатини оширишга инвестиция киритиш имкониятларини чекламоқда, шунингдек, ушбу соҳага тадбиркорлик субъектларини жалб қилишга тўсиқ бўлмоқда.

Шу сабабли қонун лойиҳаси билан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари чиқиндилар билан боғлиқ қарздорликларни ундиришда судларга киритадиган даъво аризалари учун тўланадиган давлат божи бекор қилинмоқда.

Муҳокамаларда фракция аъзолари лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

*Фракциялар йиғилишларида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# «МАҚСАДИМИЗ — КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ВА СОҲАДА СОҒЛОМ РАҚОБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ»

*Кимнинг уйи борки, коммунал хизматларга эҳтиёжи бўлади. Қишнинг совуғида иссиқлик таъминоти, ёзнинг жазирамасида эса ичимлик суви тизими соз ҳолда бўлиши одамлар саломатлиги ва кайфиятига нечоғли таъсир қилишини инобатга олсак, соҳа ходимларининг меҳнати нақадар зарур ҳамда масъулиятли эканлигини англаш қийин эмас.*



## Сана

2018 йил 2 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ 18 апрель — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни сифатида белгиланди.

Байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Шерзод ҲИДОЯТОВнинг мазкур соҳадаги ўзгариш ва янгиланишлар, истиқболли режалар хусусидан фикрларини ёзиб олдик.

— Кейинги тўрт йилда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам туб бурилишлар амалга оширилди, — дейди вазир. — Бу борадаги ишлар шахсан давлатимиз раҳбарининг диққат марказида тургани эса янада эътиборга молик. Бинобарин, шу вақт ичида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига оид 4 та қонун, Президентимизнинг 6 та Фармон ва 23 та қарори қабул қилингани соҳа ривожи алоҳида эътиборда эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Шулардан келиб чиқиб, ўтган йили республикамиз ҳудудларида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1,99 триллион сўм миқдоридаги бюджет маблағлари ҳисобидан 550 тадан ортиқ объектлар фойдаланишга топширилди.

Сув таъминоти бўйича халқаро молия институтлари ҳамкорлигидаги 16 та йирик лойиҳа доирасида 82,5 миллион долларга яқин кредит маблағлари ўзлаштирилди. Натижада 1,2 миллион нафардан зиёд аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Иссиқлик таъминоти йўналишини ривожлантириш натижасида қўшимча 370 та кўп квартирали уйлар ҳамда 26 та ижтимоий соҳа объектининг иссиқлик таъминоти қайта тикланди ва яхшиланди. Республикамизнинг бешта шаҳарида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш учун Жаҳон банки иштирокида қиймати 140 миллион доллар бўлган "Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд шаҳарлари ва Сергели тумани марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш" лойиҳаси бошланган.

> *Бу йил қурилиш-монтаж ишларига жами 2 триллион 239 миллиард сўм, шу жумладан, инвестиция дастури доирасида 1 триллион 155 миллиард сўм ҳамда қўшимча манбалардан 1 триллион 55 миллиард сўм, ташаббускор тадбиркорлар ва аҳоли ҳисобидан эса 28 миллиард сўм маблағ ажратилган.*

Бироқ ҳаммамизга яхши маълум, ҳаётда ҳеч бир нарса бир жойда тўхтаб турмайди. Бу ўз устимизда мунтазам ишлашимиз, изланишимиз зарур, дегани. Зеро, Президентимиз такрор ва такрор таъкидлаганидек, юртдошларимиз эртага эмас, бугун яхши яшашни истайди. Халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун эса, айниқса, коммунал хизмат кўрсатиш объектлари соз ҳолда бўлиши керак.

Одамларни қийнаб келаётган коммунал муаммоларни ким бартараф этади? Албатта, соҳа вакиллари. Ҳали олдимизда амалга оширишимиз зарур ва ҳал қилишимиз лозим бўлган коммунал муаммолар талайгина.

Ҳозирги шиддатли замон ҳар бир соҳада ишни аниқ, пухта ва инновацияга асосланган режалар асосида юритишни талаб этмоқда. Бу жиҳат, айниқса, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида жуда ҳам муҳим. Кейинги пайтларда кўп қаватли тураржойлар ва ижтимоий соҳа объектлари сони тобора ортиб бораётганини инобатга олсак, бу, соҳа ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклайди, уларни доимий изланишда бўлишга ундайди, албатта.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида ҳудудлардаги ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича асосий параметрлар ишлаб чиқилган бўлиб, жорий йилда 6 минг километрга яқин узунликдаги сув тармоқлари ва 559 та иншооти ишга туширилиши белгиланган.

Бу йил қурилиш-монтаж ишларига жами 2 триллион 239 миллиард сўм, шу жумладан, инвестиция дастури доирасида 1 триллион 155 миллиард сўм ҳамда қўшимча манбалардан 1 триллион 55 миллиард сўм, ташаббускор тадбиркорлар ва аҳоли ҳисобидан эса 28 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш учун республика бюджетининг 100 миллиард сўм маблағлари ҳисобидан 4 та объектда модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифатини тубдан яхшилаш мақсадида фаолиятимизни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларини белгилаб олдик. Бунда, аввало, махсус ахборот порталини яратиш орқали шаффофликни таъминлашни мақсад қилганмиз.

Электрон тизим орқали сметада кўрсатилган сарф-харажатлар, шунингдек, ширкатлар фаолияти ҳам онлайн тартибда кузатиб борилади. Натижада юртдошларимизнинг ширкатларга тўлаган мажбурий бадаллари айнан нималарга сарфланаётганини билиш имкони яратилади.

Шу билан бирга, профессионал бошқарув компанияларининг электрон рейтингини жорий этиш орқали аҳолига ўзларига хизмат кўрсатувчи компанияни танлаш имкониятини бериш натижасида рақобатни ривожлантириш ва хизмат сифатини яхшилаш бўйича амалий ишлар бошланган.

Кўп хонадонли тураржой биноларини фойдаланишга қабул қилиш комиссияси таркибига Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ходимларини киритиш орқали қуриб битказилаётган янги биноларда талаб даражасидаги коммуникация тармоқлари таъминланади. Профессионал бошқарув компаниялари бозори ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, кўп қаватли уйлар учун "House master", яъни "Ақлли бошқарув" дастурларини яратиш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Дунё билан ҳамнафас бўлиш бугуннинг долзарб талаби. Шу маънода, соҳани ривожлантиришда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида ҳамкорлик қилинмоқда. Тизимдаги кадрлар малакасини ошириш, соҳага иқтидорли ёшларни кенг жалб қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бундан кўзланган пировард мақсад аниқ — коммунал хизматлар сифатини тубдан ошириш ва соҳада соғлом рақобатни шакллантириш орқали элимиз корига яраш, юртдошларимиз оғирини енгил қилиш.

**«Халқ сўзи» мухбири Дилшод УЛУҒМУРОДОВ ёзиб олди.**

## Китоб жавонингизга

*Жамиятда учрайдиган муаммоларга бошқалардан кўра чуқурроқ ёндашадиган, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берадиган, муаммо доирасида илмий тадқиқотлар олиб борадиган, фанда янги назария ва қарашлар ижодкорларини бир сўз билан олимлар, деб атаймиз.*

# «ИҚТИСОДИЁТ ИЛМИ ОСМОНИДА ЮЛДУЗГА АЙЛАНГАНЛАР»




Фан соҳасида энг юқори натижага эришганларга эса Нобель мукофоти берилади. Яъни буюк илмий ўзгаришлар қилган, инқилобий ихтиролар яратган ёки маданият, жамият ривожи, тинчликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшганлар ана шундай юксак мақомга лойиқ кўрилади.

Уларнинг орасида иқтисодчи олимларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Зеро, мазкур шарафли соҳа вакилларининг ҳаётга олиб кирган назарий ва амалий янгиликлари, таҳлиллари ва тадқиқотлари башарият муаммоларини ҳал этиш , дунё тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан долзарбдир. Бинобарин, мана шундай инсонларнинг ҳаёти ва илмий-интеллектуал фаолияти, қарашлари ва тажрибаларини чуқур ўрганиш, шу асосда ибрат мактабларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Шерзод Мустафоқулов, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Низомиддин Ўрмонов ва илмий изланувчи Қобилжон Исаев томонидан тайёрланган "Иқтисодиёт илми осмонида юлдузга айланганлар" китоби айнан мана шу эзгу мақсад учун хизмат қилади, десак, асло хато бўлмайди.

Зеро, мазкур рисолада турли йилларда иқтисодиёт соҳаси ривожига қўшган улкан хизмати, амалга оширган илмий изланишлари, яратган назариялари учун Нобель мукофотига сазовор бўлган 14 нафар олим билан тарихий суҳбатлар жамланган. Уларнинг орасида Василий Леонтев, Милтон Фридман, Жеймс Тобин, Пол Волкер, Стенли Фишер, Франко Модильяни каби ўз соҳасининг буюк вакиллари бор.

Ушбу мулоқотларнинг барчаси инглиз тилидан таржима қилинган бўлиб, олимларнинг шахсий ҳаёти, илм-фанга қўшган ҳиссаси, ўзидан олдинги иқтисодчилар изланишларига муносабати, устозлари ва шогирдларининг муваффақиятлари, ҳукумат раҳбарларининг иқтисодий сиёсатни амалга ошириш борасида қабул қилган қарорлари мазмун-моҳияти билан боғлиқ қарашлар савол-жавоб тарзида тизимлаштирилган.

Китоб кенг омма учун мўлжалланган. Уни ўқиган одам ўзи учун қизиқарли кўплаб қимматли маълумотларга эга бўлиши, шубҳасиз.

Нашр муаллифларининг айтишича, бу борада яратилган анъана изчил давом эттирилади. Хусусан, тез орада Нобель мукофоти совриндори бўлган бошқа иқтисодчи олимларнинг ҳам суҳбатлари акс этган янги рисола ўқувчиларга тақдим этилади.

**«Халқ сўзи».**

# ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

бакалавриат ҳамда магистратуранинг битирувчи талабаларини ишга тақсимлаш (тавсия этиш) жараёни бошланганини маълум қилади.

**Тел/факс:** (+998 70) 613-08-08, 613-81-93, **Электрон почта:** alishersamadov@yandex.ru

| № | Шифр | Мутахассисликлар номи | Умумий битирувчилар сони | Вилоят ва туманлар | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Тошкент вилояти | Қашқадарё вилояти | Олмалиқ шаҳри | Ангрен шаҳри | Бўка тумани | Пискент тумани | Ўрта Чирчиқ тумани |
| | Магистратура | | | | | | | | | |
| 1. | 5310300 | Металлургия | 11 | 10 | 1 | 10 | | | | |
| 2. | 5311600 | Фойдали қазилмаларни бойитиш | 11 | 11 | | 6 | 2 | 1 | 1 | 1 |
| | | **Жами** | **22** | **21** | **1** | **16** | **2** | **1** | **1** | **1** |

# архитектура ва қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, солиқ, давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар раҳбарлари диққатига!

битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни иш ўринлари билан таъминлаш бўйича буюртмачи корхоналар ва ташкилотлар билан шартномалар тузишини хабар қилади.
ва мониторинг бўлимига 2021 йилнинг 20 май кунигача мурожаат қилишлари мумкин.

**2-қават, буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими. Телефон: 61-223-59-87.**

**давлат гранти ва тўлов-шартнома асосида битирувчилар ҳақида маълумот**

| № | Магистратура мутахассисликлари | Битирувчилар сони | грант/шартнома | Нукус шаҳри | Хўжайли тумани | Тўрткўл тумани | Беруний тумани | Элликқальа тумани | Амударё тумани | Мўйнок тумани | Қўнғирот тумани | Шуманай тумани | Қонликўл тумани | Тахиатош шаҳи | Тахтакўпир тумани | Қораўзак тумани | Чимбой тумани | Кегейли тумани | Нукус тумани | Бўзатов тумани | Бошқа вилоятлар | Чет эл фуқаролари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| | **Жами** | **213** | | **119** | **6** | **6** | **0** | **2** | **10** | **2** | **7** | **5** | **6** | **5** | **0** | **5** | **14** | **9** | **8** | **1** | **8** | **0** |
| 1. | Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (маънавият асослари) | **3** | грант | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 2 | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | |
| 2. | Жисмоний тарбия ва спорт машқларининг назарияси ва услубияти | **15** | грант | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | |
| | | | шартнома | 10 | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | | | | |
| 3. | Адабиётшунослик: ўзбек адабиёти | **7** | грант | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | |
| | | | шартнома | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 4 | |
| 4. | Адабиётшунослик: қорақалпоқ адабиёти | **7** | грант | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | 1 | | | |
| 5. | Адабиётшунослик: рус адабиёти | **3** | грант | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Лингвистика: ўзбек тили | **5** | грант | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | |
| | | | шартнома | 1 | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 7. | Лингвистика: рус тили | **6** | грант | 2 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | |
| | | | шартнома | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 8. | Лингвистика: қорақалпоқ тили | **11** | грант | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | |
| | | | шартнома | 4 | 1 | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | | |
| 9. | Лингвистика: инглиз тили | **19** | грант | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 12 | | | | | 1 | | 1 | | | | | | 2 | | 1 | | | |
| 10. | Лингвистика: қозоқ тили | **3** | грант | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | |
| 11. | Лингвистика: немис тили | **5** | грант | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 12. | Лингвистика: туркман тили | **4** | грант | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 13. | Ўзбекистон тарихи | **9** | грант | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | |
| | | | шартнома | 1 | | | | | 1 | | 1 | | | 1 | | | | | 1 | 1 | | |
| 14. | Археология | **7** | грант | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 3 | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | |
| 15. | Этнография, этнология ва антропология | **9** | грант | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | |
| | | | шартнома | 7 | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | |
| 16. | Фалсафа (қўллаш соҳаси) | **5** | грант | 1 | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 2 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 17. | Математика (йўналишлар буйича) | **9** | грант | 2 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 1 | 1 | | | | | 1 | | | | | | | 2 | | | | | |
| 18. | Дифференциал тенгламалар ва математик физика | **4** | грант | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | | | 1 | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | |
| 19. | Амалий математика ва ахборот технологиялари | **4** | грант | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | |
| | | | шартнома | | | | | | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 20. | Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика | **3** | грант | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | |
| 21. | Биология (фан йўналиши буйича) | **9** | грант | 2 | | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | 1 | | | | | |
| | | | шартнома | 1 | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 22. | Ихтиология ва гидробиология | **6** | грант | 1 | | 2 | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | |
| | | | шартнома | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | |
| 23. | Конденсацияланган муҳитлар физикаси ва материалшунослик (турлари бўйича) | **6** | грант | | | | | | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | 1 | | | |
| | | | шартнома | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 24. | Кимё (фан йўналиши бўйича) | **5** | грант | 4 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | |
| | | | шартнома | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 25. | Ноорганик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича) | **6** | грант | 3 | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 26. | География (ўрганиш объекти бўйича) | **6** | грант | 2 | | 1 | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | | |
| | | | шартнома | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 27. | Журналистика (хизмат турлари бўйича) | **3** | грант | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 28. | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | **7** | грант | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | контракт | 5 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 29. | Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | **7** | грант | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 30. | Давлат хуқуқи ва бошқаруви (соҳалар бўйича) | **4** | грант | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | |
| | | | шартнома | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 31. | Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | **11** | грант | 2 | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 4 | | 1 | | | | | 2 | | | | | 1 | | | | | | |
| 32. | Телевидение ва радио эшиттириш | **5** | грант | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | шартнома | 3 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | |

## Бугуннинг гапи

# АСОС МАСЪУЛИЯТИ

## ЁХУД УРУҒЛИК ЧИГИТНИ КИМ ЕТИШТИРМОҚДА?

*Уруғликнинг сараси — ҳосилнинг баракаси. Маълумотларга кўра, ҳеч қандай қўшимча харажатларсиз, фақатгина ҳududнинг тупроқ ва иқлим шароитига мос навларни танлаб, сифатли уруғни экиш орқали ҳосилдорликни 10 — 20 фоизга ошириш мумкин.*



Шу боис юртимизда серҳосил, тезпишар, муҳитга мослашувчан, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли, энг муҳими, толаси сифатли навларни амалиётга татбиқ этиш ишлари изчил олиб борилмоқда. Пахта етиштириш борасида жорий йил режалаштирилаётган тадбирларда ҳам ушбу тамойил муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аммо бугунги шиддаткор замонда, шу билан бирга, интенсив технологиялар ривожланган бир даврда деҳқон уруғликнинг сарасини қандай билади? Боз устига, бир вақтлардагидек, ўзи уруғ тайёрламаса...

Айни шу ўринда мутахассислар кўмаги ниҳоятда зарур бўлади. Хусусан, масъулиятни ўз зиммасига оладиган, уруғчилик корхоналарининг фаолиятидан бохабар бўлган мутахассис бўлса, айни муддао. Мана шундай омиллар ҳисобга олинган ҳолда мамлакатимизда бу борада ўзига хос тизим яратилган. Жумладан, пахтачиликда ҳам.

Бугунги кунда республика бўйича 190 минг 518 тонна атрофида уруғлик пахта жамғарилган бўлиб, шундан 102 минг 880 тонна атрофида уруғлик чигит тайёрланди. Уларнинг 81 минг 20 тоннаси тукли, 21 минг 860 тоннаси туксизлантирилгандир.

Кейинги йилларда соҳада амалга оширилган ишлар натижасида ихтисослаштирилган уруғлик чигит тайёрлаш цехлари 34 тага етказилди. Соҳада нафақат модернизация ишлари амалга оширилмоқда, балки инновацион технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, тукли уруғлик чигитни саралаш агрегатларига белгиланган иш унумдорлигида бир маромда узатишни таъминлаш учун “УПС” русумли қабул қилиш-узатиш қурилмаси жорий этилди. Тукли чигитни юқори иш унумдорлигида сифатли саралашни амалга ошириш мақсадида “ЧСА” русумли пневматик агрегатлар такомиллаштирилди.

Уруғлик чигит тайёрлашнинг охирги босқичи бўлган дорилаш технологияси ишлаб чиқилди. Бу технологиянинг аҳамияти шундаки, иш жараёни тезлашиб, сифат ва унумдорлик янада ошади.

Пахтадан юқори ҳосил етиштиришда, бошқа агротехник тадбирлар билан бир қаторда экишга тайёрланган уруғларнинг сифат кўрсаткичи ҳам жуда муҳим роль ўйнайди. Чунки экиш учун сифатли, донадор, сочилувчан биологик хоссалари бир-бирига яқин ҳамда сара бўлган уруғлардан фойдаланиш уларни аниқ уялаб ёки кам меъёрларда экиш имкониятини яратиб, уруғлик сарфини 1,5-2 марта камайтиришга шароит яратади. Бундан ташқари, ортиқча униб чиққан ниҳолларни яганалаш учун сарфланадиган қўшимча қўл меҳнатига барҳам берилиб, пахта етиштириш учун кетадиган харажатлар кўлами камаяди. Натижада пахта ҳосилининг таннархи пасайиб, деҳқон ва фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлиги яхшиланади.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, уруғлик чигитларга экиш олдидан ҳар хил касалликлар ҳамда тупроқдаги зараркунандаларга қарши кимёвий дорилар билан ишлов беришда, асосан, четдан олиб келинган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилганга нисбатан бир неча баробар қиммат бўлган препаратлардан фойдаланилади.

Шу билан бирга, экиш учун тукли ва туксиз чигитлар билан бир қаторда, кам тукли чигитлардан ҳам фойдаланиш тавсия қилинган. Кам тукли чигитлар тукли чигитларга нисбатан донадор ҳамда сочилувчанлиги билан устунликка эга бўлса, туксиз чигитларга нисбатан кам шикастланади.

Сўзимизни аниқ бир ҳудуд мисолида давом эттирадиган бўлсак, Сурхондарё вилоятида 2021 йилда элита ва авлодли уруғлик пахта етиштириш учун тендерга ҳужжат топширган ҳамда тендер талабларига жавоб берадиган фермер хўжаликлари саралаб олинмоқда.

Бунинг яна бир сабаби шуки, айни уруғ қадалган вақтдан бошлаб улар тўлиқ мутахассислар эътибори ва назоратида бўлади. Яъни чигит униб чиққанидан то ҳосил йиғиб олингунча бўлган фурсатда унинг тарихи битилади.

Мазкур жараёнда уруғлик навларнинг ҳар хил касалликларга чидамлилик даражаси, навларнинг иқлим шароитига қанчалик мослиги, чигитнинг навдорлиги, йиллар давомида олинган натижалари соҳа мутахассислари ва олимлар назаридан четда қолмайди.

Сурхондарёда 2021 йил ҳосили учун чигит экиш майдонларини тайёрлаш, экиладиган ер майдонларига ҳосилдор навларни экиш учун эълон қилинган тендерда 384 та фермер хўжалиги қатнашиш таклифини билдирди. Туманларда тендер комиссияси томонидан юқори балларга эга бўлган 261 та фермер хўжалиги 8 минг 511 гектар майдонда уруғлик пахта етиштирадиган бўлди.

Умуман олганда, юқори ҳосилли, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларни танлашда ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароити ҳисобга олинаётгани, уларни жойлаштиришда ушбу хусусият устувор вазифа этиб қўйилаётгани пахтачиликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Айни кунларда амалга оширилаётган ишларда ғўзанинг навдорлиги ва унувчанлиги юқори бўлишига жиддий эътибор қаратилмоқдаки, бу ҳам ҳосилнинг ошишига, пахтакорларнинг меҳнатини енгиллаштиришга хизмат қилади.

Бу жараён уруғлик чигит етиштираётган хўжаликлар зиммасига янада масъулиятли вазифани қўяди. Зеро, уларнинг меҳнатида истиқбол тамали ҳам бор.

Ерга эса аллақачон уруғ тушди. Бу ишни уруғлик чигит экаётган фермер хўжаликлари бошлаб берди. Демак, масъулиятли мавсум бошланди. Бу ишда деҳқонларга омад тилаймиз.

**Абдуманноп ҲАСАНОВ,**
**«Ўзагроинспекция»нинг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари,**
**Зойир ҚУЛИЕВ,**
**инспекциянинг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўйича бош инспектори.**

---

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди жамоаси фонд бошқарув раиси Светлана Инамовага турмуш ўртоғи

**Акбар КАРИМОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# БАРҲАЁТ САНЪАТКОР

## Ҳаёт ва ижод йўли ҳақида энг қисқа маълумотлар

*Ўзбекистон халқ артисти Ботир Каримович Зокиров 1936 йил 26 апрель куни туғилган.*

*Хонанда, рассом, адабиётшунос, актёр, шоир ва ёзувчи. Турли жанрда куйлаган — ўзбек халқ қўшиқлари, ўзи яратган айтимлар, ўзбек ва рус бастакорлари ҳамда хориж шлягерларини ўша тилларда ижро қилган. Чунки у бир қатор чет тилларини мукаммал даражада биларди.*

*Тошкент давлат консерваториясининг вокал факультети ҳамда А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг режиссёрлик факультетида таҳсил олган.*

*1956 йили "Ёшлик" ёшлар ансамблини ташкил этади. Хонанда хонишини бир бора эшитган одам, албатта, унинг овозини эслаб қолар, қўшиқларига меҳр қўяр эди. У қалб тубидан ларзага солувчи тоза, таъсирчан, "булбулигўё" юмшоқ-овоз тембрига эга бўлган.*

*Москва шаҳрида 1957 йилда бўлиб ўтган халқаро ёшлар ва талабалар фестивалида "Араб тангоси" билан қатнашади. Пластинкага туширилган бу қўшиқ яшин тезлигида дунё бўйлаб тарқалиб кетади.*

*Санъаткор 1972 йили Тошкент шаҳрида Шарқдаги илк "Мусиқий-холл"ни яратиб, уни бошқарган, унинг режиссёри, бадиий раҳбари ва етакчи хонандаси бўлган. У Шарқ фольклорини замонавий эстрадага уйғунлаштира олган эди.*

*Ботир Зокиров иштирокидаги машҳур фильмлардан бири "Даҳонинг ёшлиги" бўлиб, 1982 йили режиссёр Элёр Ишмуҳамедов томонидан суратга олинган.*

*Ўсмирлигидан оғир бетоб бўлган ва гўёки, оз муддат ичида истаган барча ишларини бажаришга улгуришга шошгандек таассурот қолдирадиган бу иқтидор эгаси 1985 йил 23 январь куни вафот этади. У пойтахтимиздаги Чиғатой қабристонида мангу қўним топган.*

*Ботир Зокиров мустақиллик йилларида "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган.*

*Унинг энг катта мукофоти эса нафақат халқимиз, айни чоғда хорижлик мухлислар меҳри ва муҳаббатидир.*



## «...Тоғ булоғидек тоза овозинг бор экан»

**Насиба АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**



— Ботир Зокиров билан танишувимиз тасодифий бўлган, буни тақдирнинг менга мукофоти ҳам дейиш мумкин. Ёдимда, 1980 йилда Ўзбекистонда Озарбайжон маданияти ва санъати кунлари ўтказилди. У пайтлар ёшгина, эндигина 18 ёшга кирган қизалоқ эдим, Самарқанд филармониясида ишлардим. Ўша жараёнда бир гуруҳ озар ижодкорлари Самарқандга ҳам келишди, бу ерда ҳам концертлар намойиш этилди. Албатта, мен ҳам филармония хонандаси сифатида қўшиқ билан чиқиш қилдим.

Тақдир инъомини қаранг, мени Тошкентда бўлиб ўтадиган Озарбайжон маданияти ва санъати кунлари якунига бағишланган концерт дастурига таклиф этишди. Бундан шунчалик севиндимки, таърифлашга сўз ожиз. Ахир бу палла қўшиқларни тинглаб, таъбир жоиз бўлса, уларни "ҳидлаб" тўймайдиган ёшлик даврим эди-да.

Шундай қилиб, Тошкентга келдик. Бу ерда концертга тайёрландик. Мен озарча иккита қўшиқ айтишим керак эди, кейин режа ўзгариб, битта айтадиган бўлдим. Битта қўшиқ бўлсаям, қаттиқ тадорик кўришга тўғри келди...

Кунларнинг бирида зал эшиги қия очилиб, кимдир мени кузатаётганини ҳис этдим. Бир зум ўша ёққа кўз ташладим, кейин турган жойимда қотиб қолдим. Чунки мени кузатаётган буюк санъаткор — Ботир Зокиров эди. Бир томондан концерт масъулияти, иккинчи ёқдан Ботир аканинг салобати босиб, қотиб қолдим...

Буни у киши сезди, шекилли: "Майли, майли, мен ҳалақит бермайман", деб нари кетди.

Кучли ҳаяжонда қанча вақт ўтганлигини билмайман, тайёргарлик тугади. Фойега чиқсам, Ботир ака кутиб турган экан. Ўшанда у кишининг айтган гаплари — ўгитлари деймизми, панду насиҳатларими, ҳалиям қулоқларим остида жанглаб турибди: "Сен жуда узоққа борасан, тоғ булоғидек тоза овозинг бор экан. Ҳақиқатан ҳам, шу соҳада кетмоқчи бўлсанг, қулоққа чалинган мусиқани эшитиш керак".

Ботир аканинг шу сўзлари менга бир умр куч-қанот бағишлади, йўлчи юлдуз бўлди, десам, хато эмас...

1984 йили Халқлар дўстлиги санъат саройининг очилишига бағишланган концерт бўлди. Ёшгина бўла туриб "аждаҳо" санъаткорлар орасига мен ҳам тушиб қолгандим. Шулардан бири — Ботир Зокиров. Ўша пайтда Ботир аканинг соғлиғи яхши эмасди, шунинг учун ҳам тайёргарлик машғулотларига кам келарди. Ҳатто, концертга ҳам зўрға келганди. Кейин билсам, у кишини реанимация бўлимидан дўхтирлар назоратида концерт учун олиб келишган экан. Мана буни фидойилик дейиш мумкин.

Ботир акадан нафақат санъат сирларини, айни чоғда одамийлик билан боғлиқ кўп нарсаларни ўргандим. Айниқса, у кишининг шунчалик машҳур бўлишига қарамасдан, содда ва камтарлиги мен учун ҳаёт сабоғи бўлди. Ботир ака тимсолида "Киши қанчалик юксак бўлса, шунчалик камтар бўлар экан", деган хулосага келганман.

Яна бир гап. Устозга бўлган ҳурматим ва меҳрим ифодаси сифатида "Қайдасан" деган қўшиғини Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров билан биргаликда ижро этганмиз. Бундан жуда мамнунман.

Президентимизнинг буюк санъаткор таваллудининг 85 йиллигини ўтказиш тўғрисидаги қарорини эшитиб, бутун халқимиз қаторида мен ҳам қувондим, гапнинг очиғи, кўзимга ёш келди...

### Қизиқарли фактлар

- **Ботир Зокиров 23 ёшида машҳурликка эришиб бўлган. "Араб тангоси" номи билан танилган қўшиқ уни кўпгина давлатларда машҳур қилган, таъбир жоиз бўлса, бу унинг "ташриф қоғози"га айланган эди.**
- **Хонанда 29 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган.**
- **У Париждаги "Олимпия" номли нуфузли концерт залида қўшиқ ижро этган ягона ўзбекистонлик хонандадир.**
- **Буюк истеъдод эгаси 20 йил давомида битта ўпкаси билан қўшиқ айтган.**

## Унинг ўзи Мажнун эди...

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири:**

"Ботирнинг ўзи Мажнун эди. Бекорга бу қўшиқни айтмаган. У 9-синфда ўқиётганида бир қизни яхши кўриб қолган эди. Исми Фарангис эди. Қиз ҳам Ботирни яхши кўрарди. Ўзаро мактублар ёзишарди. Аммо қизнинг ота-оналари уларнинг яқин бўлишларига кескин қаршилик кўрсатишди. Бироқ Ботир ҳам, Фарангис ҳам ҳеч қачон бир-бирларини унутишмади. "Мажнун" қўшиғи ана шу айрилиқ туфайли Ботир юрагида куну тун яшаган изтиробу қайғунинг инъикоси эди...

Ўзбек халқи номини дунёга танитганлардан бири ҳам Ботир Зокиров. Шу боис хорижий элларда ҳазрат Алишер Навоий билан машҳур хонанда Ботир Зокировни кўпроқ билишади, севишади...

Ботир Зокиров катта иқтидор соҳиби, юксак эҳтирос фарзанди, XX асрнинг ўта маданиятли ва зиёли кишиси эди. Бу улуғ санъаткор ҳамиша ҳалол, имонли, ҳақиқатгўй бўлган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ўз эътиқодига, ўз санъатига содиқ қолган. Шундай экан, унинг ҳаёт ва ижод йўли ибратли, санъат умри боқийдир".

## Саҳнани муқаддас, деб биларди

**Равшан ЗОКИРОВ,**
**Ботир Зокиров номидаги жамоат фонди директори:**

— Нима учун Ботир Зокировнинг номи улуғ, асарлари умрбоқий? Унинг қўшиқлари ҳаммани мафтун этишининг сири нимада?

Бу улуғ санъаткорнинг нафақат укаси, балки унинг мероси тадқиқотчиси сифатида бу саволга жавоб топгандекман. У киши ўз олдига бирон мақсад қўйса, бунга жуда катта масъулият билан ёндашарди.

Ҳозир бир хил қўшиқчиларни эшитиб, сўзларни ҳис этмаётганлигини дарров илғаб оласиз. Ботир акам унақа эмасди. Айтилажак ашуладаги ҳар бир сўзни синчковлик билан ўрганарди. Бунинг учун қанчадан-қанча китоб ўқирди. Сўз мазмуни, юки ва ҳатто, талаффузини ўргангандан кейингина қўшиқни айтарди. Шунинг учун у кишининг қўшиқларини эшитганингизда, ҳар бир сўзнинг жони борлигини ҳис этиб турасиз. Улар Ботир Зокировнинг тилидан кўчиб, қалбингизга келиб жойлашаётганлигини сезасиз.

Яна бир жиҳати шуки, Ботир акам сўзларнинг мазмунини яхши билгани учун ижро пайтида шунга мос равишда ролга кирарди: унинг қоши, кўзи, юзи, хуллас, бутун вужуди қўшиқдаги сўзларга мос ҳаракатланарди.

Табиийки, бутун вужуд билан қилинган бундай ижро ҳаммани ўзига мафтун этмасдан қолмасди.

Акам ўз ишига масъулият билан қарашдан ташқари, бошқаларни ҳам шунга ундарди. Бадиий раҳбар бўлиб ишлаган пайтларида ҳар бир ходимдан шуни талаб қилган. Масалан, қайсидир концертда бир бошловчи куракда турмайдиган, миллий менталитетимизга мос келмайдиган латифалардан айтиб қолади. Бундан қаттиқ ғазабланган акам: "Сен саҳнани ҳақорат қиляпсан", деб ҳайдаб юборади. Чунки у киши учун саҳна муқаддас жой эди. Тўғри, бундай латифаларни бошқа жойда айтишса, инсон сифатида кулган, керак бўлса, ўзлари ҳам айтган. Аммо саҳнада бундай ишга ҳеч қачон, ҳеч кимга йўл бермасди.

Бу даражага эришишининг яна бир сири мутолаада, деб биламан. Уйида уч-тўрт минг



атрофида китоблари бўларди. Улар орасида жаҳон адабиёти, дунё тарихи ва маданиятига оидлари кўп эди. У халқимиз тарихини жуда яхши биларди. Она тилимизни шу қадар чуқур англардики, биз қойил қолардик. Шу боис чет эллик бир неча ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига ўгирган. Ўзи ҳам шеър ва ҳикоялар ёзган. Бу иш фақат тилни, тарих ва адабиётни яхши билган кишининг қўлидан келади, бошқа одам ёзолмайди.

## Уйимизга Ботир ака совчи бўлиб келган

**Гавҳар ЗОКИРОВА,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

— Ботир Зокиров қўшиқларини йиғлаб эшитган пайтларим кўп бўлган, мактаб davридаям, институтга кирганимиздан кейин ҳам. Аммо Зокировлар оиласига келин бўлиб тушаман, деб хаёлимга ҳам келтирмаганман. Институтда Жамшид акам билан бирга ўқиганмиз. У кишиям худди акаси каби камтар, хокисор эди, машҳур хонанданинг укасиман, деб мақтаниш у ёқда турсин, бу ҳақда деярли гапирмасди.

Ботир акам билан биринчи марта учрашганимиз ғалати бўлган. Жамшид акам билан турмуш қуришга қарор қилган пайтимизда уйимизга Ботир ака совчи бўлиб келди, ана шунда у кишини илк бор кўрганман.

Ҳалиям эсимда, отам раҳматлига совчи келиши айтилгандию, аммо ким келиши уқтирилмаганди. Ботир акани кўриб, отам қаттиқ ҳаяжонланган. Шу ҳаяжон ва ҳайрат билан: "Вой, вой, уйга ким келди, Ботир Зокиров келдими? Ботиржон, ўзингизмисиз, ростан ҳам ўзингизми?", деганлари ҳалиям ёдимда.

Ботир ака кулиб туриб: "Ассалому алайкум, Акмал ака!", деди. Бундан отамнинг ҳаяжони янаям ошди: "Менинг исмимниям биласизми, исмимни ким айтди сизга?", деди.

Ботир ака: "Албатта, биламан, Гавҳар деган қизингиз борлигиниям биламан", деди.

Салом-аликдан кейин Ботир ака отамга: "Гавҳархон менинг укам билан бирга институтда ўқийди.



Мен совчи бўлиб келдим", деди.

Отам: "Э, қизим актриса бўламан, деяптими?", деб янаям ҳаяжонланди.

Ботир акам: "Ҳа, шу, отам рози бўлмайди, деб бекитишган эди, бундан аёлингизнинг хабари бор. Жамшид деган яхши укам бор, булар иккиси оила қуришга аҳд қилишибди, мана, совчиликка, қулчиликка келдим", деди.

Отам ўшанда Карим Зокировдек бир одам билан қуда бўламанми, деб роса суйинганди...

Биз институтни тугатаётгандик. Шунда қайнотамнинг маслаҳати билан ниқоҳдан ўтадиган бўлдик. Чунки у пайтда битирувчиларни турли жойларга жўнатишарди. Никоҳдан ўтсак, бизни битта жойда қолдиради. Шу маслаҳат билан никоҳдан ўтдик. Навфал акам ташаббуси билан тўрт-бешта дугонам ҳамда яна бир неча киши иштирокида никоҳни нишонладик. Бир пайт Ботир акам кириб келди — оппоқ костюм-шимда эди. Бу пайтда у киши афсонага айланиб бўлганди. Ана шундай одамнинг бизга айтган гапларини ҳаммамиз берилиб тинглаганмиз. Айниқса, у кишининг: "Сиз, иккингиз ҳаёт ва санъат йўлини бошлаяпсиз. Шу йўлда бир-бирингизни асранг. Санъатда халққа айтадиган гапларинг бўлсин. Мен, албатта, сизларни кузатаман ва ижодкор сифатида қўлимдан келганича маслаҳатларимни аямайман", дегани кечагидек эсимда.

Ботир акам шу гапига амал қилди. Бизнинг спектаклларимизга тез-тез бориб турарди. Шу билан бирга, кўнглимизни оғритмайдиган қилиб ўзининг маслаҳатларини берарди. Ёш санъаткор сифатида бундан хурсанд бўлардик ва янада ғайрат билан ишлардик.

Ботир Зокиров билан боғлиқ хотираларим янаям кўп. Булар шунчаки хотиралар эмас, аксинча, уларнинг ҳар бири бизга сабоқ бўлиб хизмат қилди. Шу боис мен ана шундай санъатни, инсонни ардоқлайдиган, эъзозлайдиган оила билан учраштиргани, шу хонадонга келин бўлишимни тақдир этгани учун Яратганга шукроналар айтаман.

## ■ Хонанда кундалигидан:

● "Мен ўз кундалигимни ажойиб ёшлигимнинг энг бахтиёр кунларидан — болалигимнинг илк орзулари рўёбга чиққан кунидан бошлагим келади...

Ўша куни мен Тошкент давлат консерваторияси вокал факультети тайёрлов бўлимига имтиҳонни муваффақиятли топширдим. Ўша дақиқаларда мен саҳнада туриб ҳассос ва талабчан тингловчилар қаршисида кечирган чексиз ҳаяжонларим, изтиробларим куйлашим биланоқ тумандай тарқаб кетди".

● **15 январь:** "Афсус! Операцияни жумага қолдиришди. Салом, яна бир кўнгилсизлик! Кечаги рентген сурати ёмон чиқибди. Қимирламай ётишимни қаттиқ тайинлашди. Қўшиқни ёзиш эса чиппакка чиқяпти. Тинимсиз машғулотлар ҳайф кетди. Мана, сенга қувонч учун мукофот.

Ўпкадаги кичик тешикча катта бўлиб қолибди. Бу сўнгги машғулотлар оқибати. Барибир янги қўшиқни ёзиб ололмаяпмиз. Бунга Икром ака эмас, мен айбдорман. Чунки биз бекорга ҳаяжонландик, хавотирландик. Қўшиқ ёзилмаса майли. Ахир мен нималарни истамайман? Лаънати дард менга бўйсунмайди. Лекин уни ўз ихтиёрига қўймаслигим керак".

● **10 февраль:** "Эрталаб кўнгилсизлик бўлди. Кўчада бир одамни машина уриб кетибди. Бугун шифохонага келганимга икки ой бўлган бўлса, шу муддат ичида бу, иккинчи воқеа.

Аҳволим яхши эмас. Кундузи ҳикоя ёздим. Эҳтимол бу менинг илк асаримдир. Уни ичимдан тўқимадим. Номини "Кутиш" ё "Охунбобоев ҳайкали ёнида" деб аташ мумкин. Ҳикоя кўпгина яхши, очиққўнгил, камтар танишларим ҳақида..."

● **15 февраль:** "Худога шукр! Рентген яхши чиқибди. Операцияга ярайман. Ниҳоят эртага операция! Лекин улар аниғини айтишмаяпти. Чунки Богуш, операциядан фақатгина бир фоиз умид бор холос, деди".

● **6 апрель:** "Высокие Горыда бир юзу қирқ кун. Тамом! Соат бирдан бери озодликдаман!"

● **12 апрель:** "Салом, Тошкент! Салом, ўғлим!

Тошкентни баҳор нафаси тутган. Ўрик гуллабди. Отам ҳар сафар мени ҳар хил ҳолатда кутиб олади. Назаримда у киши анча қартайиб қолибди. Онам эса ўша-ўша, шаддод ва чаққон.

Укаларим анча улғайибди. Жамшид — талаба, хурсанд. Моцартдан чалади, Фарруҳга қўшилиб қўшиқ айтади. Навфал билан Фарруҳ гитарани ажабтовур чалишиб, яхшигина куйлашяпти. Онам Навфалга ажойиб қўшиқ ўргатибдилар..."

## Қўшиқларидаги ҳар бир сўз худди камон ўқи каби қалбингизга қадалади

**Мансур ТОШМАТОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

— Ботир акам билан 1976 йилда танишганман. Шундан кейин унинг вафотигача ижод ва ҳаёт йўлимиз кўпинча бирга кечди, десам, тўғри бўлади. Шу боис бу инсон билан боғлиқ ёрқин хотираларим жуда кўп.

Бир гал "Наво" вокал-чолғу ансамбли таркибида Москва шаҳрига ижодий сафарга бордик. Ҳаммамиз ҳаяжонда. Буни Ботир акамга айтгандик, у киши яримҳазил, яримчин қилиб: "Мен шу ердаман-ку", деди. Тўғри-да, Ботир Зокировдек хонандаси бор ансамбль мусиқачиларининг ҳаяжонланишга ҳаққи йўқ. Шу гапдан кейин ҳаммамиз ўзимизни тутиб олдик, муҳими, чиқишимиз зўр бўлди.

Ботир аканинг ҳамма қўшиғи айтилиши билан хит даражасига чиққан. Баъзан шу ҳақида ўйлайман: қандай қилиб қўшиқлари бирданига мухлислар қалбига етиб борган, уларнинг меҳрини қозонган? Улуғ санъаткор ёнида кўп бўлган одам сифатида бунинг жавобини топганман. Машҳур қўшиқларидан бири — "Раъно"ни олиб кўрайлик.

*Барнолар ичра барно,*
*Раъно,*
*Гулмисан, гулёрмисан.*
*Ошиққа дилдормисан,*
*Ҳамма гуллардан аъло,*
*Раъно...*

Шеър содда, самимий сўзлардан тузилган. Ботир ака шу содда сўзларга сеҳрли мусиқа ва бетакрор овози билан қанот бағишлаб юборган. Натижада бу қўшиқ қанот боғлаб кўкка учди ва бориб мухлислар қалбидан жой олди. Қўшиқни тинглаш асносида нафақат "Раъно" сўзида, балки барча сўзларда жон борлигини ҳис этиб турасиз. Чунки унинг қўшиқларидаги ҳар бир сўз худди камон ўқи каби келиб қалбингизга қадалаверади.

Ботир ака ҳар қанча машҳур бўлмасин, ижобий маънода биз буни ҳеч сезмаганмиз. Демоқчиманки, у киши шуҳрат чўққисига кўтарилган пайтда ҳам ҳеч қачон ўзини катта тутмаган, манмансирамаган, доимгидек камтар, камгап ва кези келганда, ҳазилкашлигича қолганди. Масалан, менинг ўзимга



"Мансурий" деб ҳазиллашарди. Буни қачондан буён айта бошлагани унча эсимда йўқ. Аммо бир нарсани аниқ биламанки, машҳур бўлиб кетганидан кейин ҳам ҳар гал мени кўриши билан худди овозини итальян операчиларига ўхшатиб "Мансурий" дерди. Бундан ўзиям маза қилиб кулар, биз ҳам қўшилиб кулардик.

Бу буюк ижодкорнинг қўшиқларини ўша пайтда Магаданда ҳам, Узоқ Шарқда ҳам, Сахалинда ҳам, Санкт-Петербургда ҳам, Москвада ҳам, ҳатто, қатор хорижий давлатларда ҳам яхши билишар, яхши кўриб эшитишарди.

Бугунги ёшларимиз ҳам бу улуғ санъаткор ҳақида билиши керак. Давлат раҳбарининг қарори шунинг учун ҳам аҳамиятли бўлдики, унда ёшларга хонанда меросини ўргатиш, шу орқали уларни Ватанга муҳаббатли қилиб тарбиялаш мақсадлари кўзда тутилган.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 955 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6